№ 60 295

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 15 февраль. Чоршанба. № 12 (14266) ترکستان ✽ TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш ва вақтли матбуот ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва маданият ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитасининг республика ижтимоий-сиёсий газета ва журналлари ижодий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядларини (меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳини) нашрнинг ҳажми ва даврийлигига кўра 1995 йил 1 февралдан бошлаб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ўзлари нашр этаётган газета ҳамда журналлар муҳаррирларининг маошларини таҳририятлар меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳидан келиб чиқиб, таъсисчилар маблағлари ҳисобига таъсисчилар бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари (мудирлари) меҳнатига ҳақ тўлаш даражасида белгиласинлар.

3. Барча бошқа вақтли нашрлар таъсисчиларига бош муҳаррирлар меҳнатига тўланадиган ҳақни тегишли таъсисчи бўлим мудири маошидан кам бўлмаган даражада белгилаш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ҳафта муддатда тегишли ўзгартиришларни амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тартибига киритсин.

5. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни газета ва журналларнинг бетўхтов чиқишини таъминлаш мақсадида қоғоз ва бошқа матбаа материалларини тузилган шартномаларга мувофиқ қатъий етказиб беришини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов ва Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## 1994 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 1994 йилда иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада қайта ўзгартиришлар чуқурлашди, бозор сари қаратилган йўл аниқ белгилаб олинди, бозор муносабатларининг конституцион-ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди.

Кўп укладли иқтисодиёт шаклланмоқда, товарлар, меҳнат, сармоя ва қийматли қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Республика барча корхоналарининг 67 фоизи, ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот ва халқ хўжалигида иш билан банд бўлган ходимларнинг салкам ярми нодавлат секторнинг улушига тўғри келади.

1994 йил 1 июлдан миллий валютанинг жорий этилиши республикани яқин йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаб берди. Миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Давлатнинг молия-кредит билан қўллаб-қувватлаши натижасида ёқилғи-энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноати барқарор ривожланди. Базавий тармоқларни ривожлантириш учун республиканинг ва чет эл инвестиция компаниялари ҳамда банклари валюта маблағларининг салмоқли қисми йўналтирилди.

Нархлар эркинлаштирилиши шароитида йил охирига келиб инфляциянинг ўртача ойлик даражаси икки баравар камайди. Республика йиғма бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,3 фоизини ташкил этди. Нақд пул эмиссияси кескин қисқарди.

Иқтисодиёт тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Пировард истеъмолга тайёр маҳсулот салмоғи 28,8 фоиздан 33,2 фоизга ўсди. Ўзимизда дон етиштириш ва нефть ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳисобига озиқ-овқат ва энергетика мустақиллиги сезиларли даражада ошди. Четдан келтирилаётган дон, гўшт ва сут 1991 йилдагига нисбатан сезиларли даражада қисқарди.

Ташқи иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. Ялпи ташқи савдо оборти 1993 йилдагига нисбатан 5,5 фоизга ўсди. МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларда сифат жиҳатидан янги ривожланишга ва улар билан ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланмоқда, унинг аниқ мўлжалли йўлланиши кучайди, болаларга ягона нафақа жорий этилди. Истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларнинг энг муҳим турлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди, уларнинг кафолатли захирасини яратиш тартиби амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга айрим соҳаларда ислоҳотлар жараёни миқдорий жиҳатлари билан чекланиб қолиб, расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Уюшмалар, корпорациялар ва ҳокимликларнинг айрим раҳбарлари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари зарур даражада ривожлантирилиши ва чуқурлаштирилишини, тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланишини, хусусий сектор шаклланиши ва республика иқтисодиётини мустаҳкамлашда унинг аҳамиятини оширишни таъминламаяптилар. Улар вужудга келган таркибий номутаносибликни бартараф этишга, хўжалик юритиш механизмини ўзгартиришга, замонавий рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарлича эътибор бермаяптилар.

Бозор инфрастурктураси, кўчмас мулк ва қийматли қоғозлар бозори зарур даражада ривожланмади, бу ҳол айниқса Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида кузатилди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари қарор топиши чинакамига таъминланмаяпти, бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, қишлоқ аҳолисининг меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини иш билан таъминлайдиган кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорацияларнинг раҳбарлари 1994 йилда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг якунларини, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини пухта таҳлил қилсинлар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирларни белгиласинлар ва амалга оширсинлар.

2. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, 1996 йилда республиканинг текис суръатда ривожланиши учун мустаҳкам асослар яратиш 1995 йилнинг бош вазифалари деб ҳисоблансин.

1995 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устиворликлари ва асосий йўналишлари тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бўлимлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юқорида қайд этилган тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шу йилнинг 15 мартига қадар:

Фонд биржаларининг минтақалараро бўлимларини очиш ва уларни зарур инфраструктура билан таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарни, хусусий тадбиркорлик фаолиятини халқаро молия ташкилотларининг валюта маблағларини жалб этиш ҳисобига қўллаб-қувватлаш ва инвестиция фондлари ташкил этилишини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йиғма бюджет тақчиллигини ички (банклардан ташқари) маблағ билан таминлаш миқдори кўпайтирилишини қийматли қоғозлар бозорини кенгайтириш ҳисобидан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

Кредит кимошди савдолари орқали сотишга чиқариладиган кредит ресурсларининг ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уни 1995 йилнинг I чораги охиригача 25 фоизгача, 1995 йилнинг II чораги охиригача 50 фоизгача етказиш;

1995 йилнинг I чорагидан бошлаб инфляциянинг шаклланаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда маблағ билан қайта таъминлаш ставкасига ҳар ойда тузатиш киритиш тавсия қилинсин.

6. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Шу йилнинг 20 февралигача 1995 йил учун республика инвестиция дастури лойиҳасини;

Шу йилнинг биринчи чорагида хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастури лойиҳасини тайёрласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шу йилнинг биринчи чораги мобайнида минтақаларда ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни сотадиган майда улгуржи дўконлар тармоғи ташкил этилишини таъминласинлар.

8. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар ва концернлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда 1995 йилда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш ҳажмлари ўсишини рағбатлантиришга оид таклифларни киритсинлар.

9. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси шу йилнинг 1 мартигача, деҳқон(фермер) хўжаликларини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги ташкилий шаклларини шакллантиришга ҳамда қишлоқда бозор инфрастурктураси ва сервис хизмати кўрсатишни ҳар томонлама кенгайтиришга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонуний ва норматив ҳужжатлар мунтазам назорат қилинишини таъминласин ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни ўз вақтида киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль.

*Расмий ташриф арафасида*

## Со Кон И: ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДАН МАНФААТДОРМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи арафасида ЎзА мухбири ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон И билан суҳбатлашди.*

— Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар ривожини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон Марказий Осиёда қулай жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллайди. Биз табиий заҳираларга бой ва кенг имкониятларга эга мамлакатингиз билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бермоқдамиз. Мамлакатингиз истиқлолга эришгач, Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида яхши ҳамкорлик муносабатлари таркиб топмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Кореяга ва Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг мамлакатингизга ташрифлари чоғида бу ҳамкорликнинг мустаҳкам асослари яратилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда «ЎзДЭУавто», «ЎзДЭУэлектроникс» каби қўшма корхоналар мамлакат истеъмол бозорини харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш йўлида фаолият юритмоқда. Бухорода «Голдстар» фирмаси билан ҳамкорликда телевизорлар йиғиш йўлга қўйилаяпти. Бундан ташқари тўқимачилик саноати ва фармацевтика соҳаларида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ишга тушиши арафасида.

— Ўзаро ҳамкорликнинг қайси йўналишлари истиқболли деб ўйлайсиз?

— Бир вақтлар Корея ҳам Ўзбекистон сингари аграр мамлакат эди. Менимча, аввал қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай, тараққий этган давлат бўлиш мушкул. Шу боис биз Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш имконини яратадиган асбоб-ускуналар етказиб бермоқчимиз. Мамлакатингиз қайта ишлаш саноатини тараққий эттиришга, хусусан, ғалла мустақиллигига эришишга интилаётган бир пайтда бу соҳадаги ҳамкорлик фойдали бўлишига шубҳа йўқ.

— Ўзбекистон Президентининг мамлакатингизга ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда?

— Бу галги ташриф Президент Ислом Каримовнинг Кореяга иккинчи сафари бўлсада, у жавоб ташрифи ҳисобланади. Чунки, ўтган йили мамлакатимизнинг янги Президенти жаноб Ким Ен Сам Ўзбекистонда расмий сафарда бўлди. Жаноб Ислом Каримовнинг ташрифи Ким Ен Сам Президент этиб сайланганидан буён Кореяга илк давлат ташрифи экани билан ҳам аҳамиятлидир. Узаро музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Амирқул КАРИМ

## ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

**1995 ЙИЛ — МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙИЛИ БЎЛИШИ КЕРАК!**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ТАШАББУС КЎРСАТИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қоидаларини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республиканинг тижорат банкларига, хусусий тадбиркорлик тузилмаларига уларнинг аризалари ва рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари асосида уч кун муддатда ҳисоб-китоб счётларини очиш тавсия этилсин.

4. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва корпорациялар билан биргаликда товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларига уларнинг буюртманомаларига биноан республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган хомашё ва материалларни, одатда доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка, республика товар-хомашё биржаси ҳамда «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг бошқа улгуржи-воситачилик тузилмалари орқали шартномавий асосда сотилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг вакил қилинган банкларига контрактлар, товарлар, хизматлар учун тўловларга норезидентлардан нақд муомаладаги валютани қабул қилишларига рухсат этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг ҳудудий бўлимларини шакллантиришда, ижарага бериш ёки сотиш йўли билан зарур хоналар ажратилишига ҳамда уларнинг унумли ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Тўлаганов) республика кўчмас мулк ва фонд биржаларини жойлаштириш учун «Правда Востока» кўчаси 10-уйда жойлашган собиқ Свердлов номидаги концерт зали биносини ажратсин.

Давлат мулки қўмитаси (Ғофуров), «Ўзсувқурилиш» давлат концерни (Ракитин) кўрсатиб ўтилган бинони реконструкция қилишни ниҳоясига етказсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль

*ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Хусусий тадбиркорлик — бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Фаолиятни ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва корхонани рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (якка тартибдаги тадбиркорлик) ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширишга ҳақлидир.

2. Хусусий тадбиркорнинг мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхонанинг барча мулки ёки унинг бир қисми фуқаро мулкига ўтиши ёки у томонидан харид қилиниши, ижарадаги мулк сотиб олиниши ёки у қонунда назарда тутилган бошқача усулларда қўлга киритилиши асосида юзага келади.

3. Тадбиркор фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган корхона Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида», «Ўзбекистон республикасидаги корхоналар тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ фаолият кўрсатувчи хусусий корхона ҳисобланади.

4. Қорақалпоғистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилишининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий асослари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

### II. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5. Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланадилар, мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб-китоб счётига эга бўладилар.

6. Хусусий корхона ўзи жойлашган жойдаги туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга ошириш хоҳишини билдирган тадбиркор ўз турар жойидаги туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларига ариза берадилар, у «тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ кўриб чиқилади.

7. Хусусий корхоналар ўз филиаллари, шўъба корхоналари ва ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

8. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтиш учун тадбиркорнинг аризаси, корхона устави, шунингдек, бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдорида бадал тўланганлиги тўғрисидаги квитанция тақдим этилади.

9. Хусусий корхонани рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишнинг асосланган ҳолда рад этилиши ариза берилган кундан бошлаб уч кун мобайнида амалга оширилади. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки тадбиркор асоссиз деб ҳисобловчи сабабларга кўра рўйхатга олиш рад этилган бўлса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

10. Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга ошириш хоҳишини билдирган хусусий тадбиркорга тикилган ҳамда муҳр билан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар дафтари, рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома, уни хусусий тадбиркорлар реестрига албатта киритиб берилади. Бу ҳужжатлар ҳеч қандай қўшимча келишувларсиз банкда ҳисоб-китоб счётини очиш ва зарур реквизитларни тайёрлатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

### III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ МУЛКИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

11. Хусусий корхона мулкини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил қилади.

12. Хусусий корхона эгаси ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга ҳақлидир.

13. Хусусий корхона мажбуриятлар бўйича шахсий мулк ҳуқуқида корхона эгасига тегишли бўлган ўз мулки билан жавоб беради.

14. Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга бўлади. Корхона эгаси хусусий корхонани бошқаришни ташкил этади.

15. Хусусий корхона ўз маҳсулоти (ишлар, хизматлар)ни, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича сотади.

16. Маҳсулотни сотишдан тушган пулдан барча ишлаб чиқариш ва бошқа мажбурий тўловлар (меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара ҳақи, қарзларни тўлаш, ссудалар бўйича фоизлар ва бошқалар ҳам шунга киради)ни қоплаш суммаси чегирилгандан сўнг қолган даромад мулкдорнинг тадбиркорлик даромади ҳисобланади, уни мулкдор ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади.

17. Фаолиятни хусусий мулк асосида амалга ошираётган хусусий тадбиркорларнинг даромадларига мулк эгасининг шахсий даромади сифатида қаралади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солинади.

18. Хусусий тадбиркор пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини амалга ошириш учун исталган банкда ҳисоб-китоб ва бошқа счётларни очишга ҳақлидир.

19. Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар, уларда фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюмнинг номи ёки рамзи, буюмни ифодаловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиб, албатта маркировка қилиниши керак.

20. Хусусий корхона белгиланган шакллар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисобини юритади. Хусусий корхона эгаси ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

21. Хусусий корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари билан зиммасига текшириш функцияларини бажариш юкланган солиқ органлари, шунингдек, аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти текширилганда текширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларнинг сақланишига риоя этилишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлайдилар.

### IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА ИШЧИ КУЧИНИ ЁЛЛАШ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

22. Хусусий корхоналар ходимларни томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиб ёзма шаклда тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ёллайдилар.

23. Меҳнат шартномаси (контракти) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

маълум ихтисослик, малака ёки лавозим бўйича ишни бажариш мажбурияти;

контракт тузилган муддат;

меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби;

ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлиги;

меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;

томонларнинг келишувига кўра бошқа маълумотлар.

24. Хусусий корхона Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишга, корхонадаги ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилашга, меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиенаси талабларига риоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.

25. Хусусий корхонада ишлаётган ходимларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси берилади.

26. Ёлланиб ишлаётган шахслар меҳнатига шартнома ёки контрактда кўрсатиб ўтилган ҳақ тўлаш давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

27. Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига мажбурий ажратмалар ажратади.

28. Хусусий корхоналарда меҳнатга оид низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

### V. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТУГАТИШ

29. Хусусий корхонани тугатиш мулк эгасининг қарори бўйича ёки суд томонидан таъсисчиларнинг корхонани ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлари қонуний кучга эга эмас деб топилган, банкрот бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид фаолият амалга оширилган ҳолларда суд (хўжалик суди) қарори билан амалга оширилади.

30. Шахсий корхона давлат рўйхатига олиш реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

31. Маблағларнинг бюджет ва ташкилотлар, тугатилган шахсий корхона ходимларидан қарзлар белгиланган тартибда тўлангандан сўнг қолган қисми корхона эгасига тегишли бўлади.

### VI.ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА БЕРИЛАДИГАН ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ

32. Давлат хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин ҳалол рақобат учун шароит яратади, моддий-ашёвий, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурсларни олишда, бу ресурслар бозорининг монополия қилинишига йўл қўймай, тенг имкониятларни таъминлайди.

33. Агар давлат ёки бошқа орган томонидан унинг ваколатига ёки қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳужжат чиқарилиши натижасида хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилса, у бундай ҳужжатни қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

34. Давлат ёки бошқа органларнинг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг хусусий тадбиркор ҳуқуқини бузувчи кўрсатмаларининг бажарилиши натижасида хусусий тадбиркорга етказилган зарар шу органлар томонидан, бунга бой берилган фойдани ҳам киритиб, қопланиши лозим. Зарарларни қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал қилинади.

*Истиқлол қалдирғочлари*

# БОЗОРГА ЎХШАЙДИ АСЛИ «ОТЧОПАР»

. Наврўзда катта совға бор
. Бир кунда 2000 га яқин сотувчи-ю...
. 20000 га яқин олувчи келади

«Отчопар»га борганлар бормаганларнинг ичини қизитади, «анави боракан, манави боракан» деб, лекин ростдан ҳам кейинги пайтда «Отчопар»га келувчилар жуда кўпайди. Хоразмдан, Сурхон воҳасидан, Қашқадарё-ю Самарқанддан, Фарғона-ю Ўшдан, Сирдарё-ю Жиззахдан, Олма-Ота-ю Бишкекдан, Ашхобод-у Душанбедан, ҳатто Хитой, Жанубий Қурия, Эрон, Афғонистондан қадам ранжида қилаётганлар бисёр. Пештахталардаги «Изаура», «Жимминнинг кўз ёшлари», «Марианна» «Пахмоқ», «Зар» каби газламалар, рўмоллар, Эрон-у Болғориянинг тиш пасталари, устаралари, атир-ухналари, Жанубий Қуриянинг костюм-шимлари, Покистондаги «Табани» фирмаси кўйлаклари, «Меркурий», «Адидас» каби машҳурларнинг маҳсулотлари харидорларни ҳақиқатдан шоширади. Айниқса Хитойнинг пайпоқлари, лезвия (тиғ)лари, тиш пасталари «қўлмақўл», яъни сони жуда кўп. Бироқ «Отчопар»да ҳамма нарса тижорат дўконларидан анча арзон, шу туфайли харидорларнинг кети узилмайди, лекин, бутун мамлакатимизга, балки жаҳонга кўз-кўз қилгудек жой...

— Худо хоҳласа бўлади, — дейди «Отчопар» буюм ва транспорт восита бозорининг мудири Анвар ака Азимов биз билан суҳбатда, — ахир сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам ҳозир анча мушкуллик бор. Биринчидан, тоза сув тармоқлари, канализация йўқ. Расталар ҳам «қўлбола». Аммо, пойтахтимиз ҳокимияти, қолаверса, мамлакатимиз раҳбарлари «Отчопар» бозорига жуда катта эътибор билан қарашаяпти. Натижада, бозорга кираверишда ўрнатилган жетон тизими ва сотувчиларнинг жой учун олаётган чипталари эвазидан тушган маблағга катта бозор қуришга киришдик. Республика қурилиш вазирлиги қошидаги 4-махсус трест бошлиғи Абдулла Мустафоев бу ердаги бунёдкорликка ҳам бош-қош. Қурилиш ишларига 4 ой давомида 18 миллион сўм сарфланди, кўрганингиздек, устунлар қад ростлаган, кўтарма кранлар тинмай ҳаракатда, қурувчилар бирови пайвандлаяпти, бирови ерни қотиряпти, бетон қоряпти, бир сўз билан айтганда иш қизғин. Бу бозорнинг биринчи босқичи насиб бўлса, шу йил Наврўз байрами куни очилади. Бу тантанали кунни 2250 нафар сотувчи яхши жиҳозланган расталарда кутиб олади. Бозор атрофига барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш ҳам пухта ўйлаб чиқилган ва қаҳвахоналар, ошхоналар, салқин ичимликлар дўкончалари, музқаймоқлар сотиш жойлари, бошқа қулайликлар яратилади. Жуда муҳташам, 60 метрлик, миллий услубда безаладиган, қадим шарқона кўринишдаги дарвоза қурилади. 17 нафар уста ана шу дарвозани қуриш учун Хоразмдан келди. Бозор 4 та катта айвондан иборат бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бозор қурилишида давлатдан қарз олмай, тўлиқ мана шу бозор ҳисобидан фойдаланаяпмиз. Бозорнинг иккинчи босқичи бўйича лойиҳалаш институти иш олиб бормоқда.

— Анвар ака, бу бозорга бир кунда қанча сотувчи-ю, қанча олувчи ташриф буюради?

— 1500 сотувчи келади, баъзан 2000 дан ортиб кетади. Сабаби, ўз уйидаги буюмларни сотувчилар ҳам аксарият шу ерга келади. Харидорлар эса 15 минг, 20 минг атрофида бўлади, аммо шанба-якшанба кунларида бундан ҳам ортиб кетиши мумкин. Сабаби, бу ерда маҳсулотлар арзон.

Анвар ака билан хайрлашиб, бозор айландик. Пештахта ортида туриб ширин муомала билан харидорни чорлаётган сотувчилардан бири билан мулоқот қилдик.

— Исми-шарифингиз, касбингиз ва нега бундай иш услубини танлаганингиз ҳақида...

— Тушундим, Козим Алимовман, автомобиль йўллари институтини тугаллаб, автокорхонада ишлаб юрдим. Ўз ишимнинг устасиман. Аммо, тадбиркор бўлишни истайман, тадбиркор бўлганда ҳам ишлаб чиқарувчи тадбиркор. Олма-Ота, Бишкек шаҳарларига қатнаб мол келтираман. Панфилов, Олма-Ота, Бишкекдан Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Япония фирмаларининг маҳсулотлари «Отчопар»га олиб келинса, Ашхободдан Эрон, Туркия, Покистон фирмалари маҳсулоти бу ерга келтирилади. Энди, биз билишимиз шартки, бозор нимани талаб қилади? Лекин, афсус билан айтишим кераки, Хитой ёки Туркия каби давлатлар маҳсулотлари сифатсиз. Агар Ўзбекистонимизда қайта ишлаш корхоналари бўлганда, ана шу моллардан 100 баробар кучли маҳсулот тайёрлаб, жаҳон бозорини забт этишимизни ҳис этдим. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» дея бежизга айтмаган. Ахир юртимизда ҳамма-ҳамма нарса етарли, фақат маҳсулотларни қайта ишлашда муаммолар бор холос. Билимдон ва тадбиркорлар ҳам кўп.

Бозорни айланиб, таъбни хира қиладиган ҳолнинг ҳам гувоҳи бўлдик, яъни харидор ҳам, сотувчилар ҳам қоғоз борми, плёнками, тунука қутими, пистами, ер ёнғоқ пўстими барча-барчасини шундоқ оёқ остига, ён томонларга ташлайверишган. Дарахтларнинг устигача йўл, ахир келгусида жаҳонга кўзгу бўладиган бозорда ҳозир аҳвол шу, келажакда, яъни Наврўзда ишга тушадиган бозорда ҳам шундай вазият бўладими? Наҳот, бизда ўз юртимизга, Ватанимизга эгалик ҳисси бўлмаса. Хўп, яхши азиз ишбилармон, ўша молларни четдан олиб келиб бозорни тўлдиряпсиз, яхши, лекин... Ҳа, бу Ватан барчамизники, уни кўз қорачиғидек асрашни ҳам, авайлашни ҳам биз амалга оширмасак, четдан биров келиб тозалаб кетмайдику? Ахир, ўша Олой, Чорсу бозорлари, Самарқанднинг қадим Сиёби, Буюк Ипак йўли гувоҳ-ку, боболаримиз бозорни қандай сақлаганига.

Хуллас, бор гап шу, Худо хоҳласа Наврўзда яна бу ҳақда тўхталамиз.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

***

*СУРАТЛАРДА: Тошкент «Отчопар»ида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бу ерда бунёдкорлик ишларини олиб бораётганлар орасида «Ташпромстрой»нинг 50-қурилиш-монтаж бошқармаси ходимлари ҳам бор. Улар кунлик нормаларини ортиғи билан адо этиб, қурилиш суръатининг кескин ошишига салмоқли улуш қўшмоқдалар.*

*Наримон Абдушарипов асли хоразмлик. «Отчопар»да ҳамкасблари билан қўлинг ўргилсин дарвоза бунёд этишмоқда. У билан бирга Рустам Сафоев ҳам бор. Уларнинг ҳар иккаласи 5-разрядли ғишт терувчилардир. Ғишт терувчилар бригадаси (бошлиғи Қадамбой Отажонов) да 17 киши меҳнат қилмоқда; қурилишда иш қизғин.*

Суратчи: Муҳаммад АМИН.

*Ғалла мустақиллиги йўлида*

# САБОҚ

· Дон мўл бўлади.
· Ёшларнинг ҳам ўз ўрни бор.
· Режа нега бажарилмади?

*Республикамизда: 1995 йил ҳосили учун жами 1 млн. 356 минг гектарга бошоқли дон экилди. Шундан 851 минг гектари суғориладиган ерлардир. Бу 1994 йилдагига нисбатан 220 минг гектар кўп.*

Республикамизнинг мустақилликни қўлга киритиши қишлоқ хўжалиги тараққиётида янгидан-янги имкониятлар ва нурли истиқболлар учун кенг йўллар очди. Айниқса қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш ва уни жадал ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит, имкониятлар яратиляпти. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалигида самарали ўзгаришлар юз бера бошлади. Қишлоқларда ҳам бозор муносабатлари шаклланиб, фермерлик ҳаракатлари кенг қулоч ёймоқда.

Хусусан, ғаллачилик, буғдой етиштиришни юксалтириш томон муҳим қадамлар қўйилди. Пахта майдонлари қисқартирилиб, ўрнига дон экилди. Бунда энг аввало республикамиз аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш масаласи илгари сурилди.

Хоразмда ҳам бу борада кенг кўламдаги ишлар режалаштирилиб ҳаётга изчил тадбиқ этиляпти. Масалан, ўтган йили 12.220 гектар майдондаги кузги буғдойдан 19.427 тонна ҳосил олинди.

Агарда ўтган бир йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, буғдой етиштириш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Мисол учун Янгиариқ туманидаги «Хоразм», Боғот туманидаги «Боғот», Шовотдаги «Соҳибкор» жамоа хўжаликлари ғаллакорлари гектаридан 30-38 центнердан хирмон яратишга муваффақ бўлдилар.

Айни пайтда серҳосил кузги буғдой нави етиштириш борасида иш қизғин тус олган. Вилоятда ташкил қилинган уруғчилик хўжаликлари — Боғотдаги «Боғот», «Ўзбекистон», Янгибозор туманидаги «Ширинқўнғирот», Хива туманидаги «Ўзбекистон», Хонқа туманидаги «Дўстлик», Янгиариқ туманидаги «Хоразм» жамоа хўжаликлари юқори ҳосилли буғдой уруғини етиштириш учун самарали меҳнат қилишяпти. Дон етиштириш соҳасида бой тажриба тўплаган деҳқонлардан кўп ва хўп ўрганиш кони фойда. Шуни дилдан ҳис қилган ғаллакорлар илғор иш услубларига таянишмоқда.

Барча хўжаликларда мавжуд ички имкониятлар ишга соляпти. Илғор жамоалар куз фаслида келаси йил алмашлаб экиш учун режалаштирилган пахта майдонларига кузги буғдой уруғи экишди. Бу тажриба оммалаштирилди. Кузда 3 минг гектарга яқин майдонга буғдой уруғи қадалди. 1994 йилнинг кузида жами кузги буғдой экилган майдонлар 15.285 гектарга етказилди.

Бу йил 38 минг гектар майдонга кузги буғдой уруғини экиш мўлжалланмоқда. Ишончимиз комилки, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бу ишлар муҳим улуш бўлиб қўшилади.

Ҳа, қилинадиган ишлар ҳали олдинда. Қатор тадбиркорлик ишларини амалга оширишга, деҳқонлар иш тажрибаларини оммалаштиришга тўғри келади. Ўтган йили буғдой етиштиришда тажрибасизлик қилиб, оқибатда ҳосилдорликни аранг 8-10 центнерга етказган хўжаликлар ҳам бўлди. Ҳазорасп, Дўстлик туманларининг баъзи хўжаликларида ҳосилдорлик вилоятдаги ўртача кўрсаткичдан ҳам деярлик икки баробар кам олинди.

Назаримизда қўли қадоқ бободеҳқонларимиз буғдой етиштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида кўп тажриба орттиришган. Ёшлар ана шу ишнинг давомчилари бўляптилар.

Ўтган йилги ҳосилни нестнобуд қилмасдан йиғиштириб олишда муқобил хизматдаги йигитлар, хўжаликларда тузилган ёшлар бригадалари катта ҳисса қўшдилар. Айниқса Шовот, Қўшкўпир, Янгиариқ, Боғот туманлари ёшлар ташкилотлари ташаббуси билан тузилган бригадаларда иш қизғин бўлди. Хўжалик меҳнаткашлари ва ёшлар ўртасидаги дўстона муносабатлар боис буғдой, шоли ҳосили ёғингарчилик кунларига қолдирилмасдан йиғиштириб олинди.

Дилбар БЕКЖОНОВА,
«Туркистон» мухбири.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ИСЛОҲОТ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

## ИШБИЛАРМОНГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Яқинда Хоразмда вилоят тадбиркорлари учрашиб, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ва келгуси қилинажак ишлар хусусида маслаҳатлашиб олдилар. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими М. Жуманиёзов йиғилиш қатнашчиларини юртбошимизнинг 5 январидаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони билан таништирди.

Дарҳақиқат, ҳукумат раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу фармон тадбиркорликни ривожлантиришга янада кенг йўл очиб беради.

Йиғилиш сўнгида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги кунда вилоятда 1170 та кичик корхона мавжуд бўлиб, улардан 740 таси хусусийлаштирилган. Ширкатлар сони 81, ижарада ишлаётган жамоалар 56 тага етган. Қисқа фурсатлар ичида 105 та акционерлик жамиятлари, 13 та қўшма корхона, 630 та деҳқон — фермер хўжалиги вужудга келди.

*Тадбиркорликка кенг йўл*

# САЙДАЛИ ҲОЖИНИНГ ЗИҒИР МОЙИ

· Бобо ёшларга ҳам ўрнак.
· Бир йилда саккиз тонна.
· «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан»

Сайдали бобонинг юзидан ҳамиша нур ёғилиб туради. Бу эҳтимол, унинг одамларга доимо яхшилик, эзгулик қилишига ҳаракат қилишиданми ёки имон-эътиқодга ихлоси зўрлигиданми, ҳар қалай беш вақт намозни канда қилмайди.

Хоним қишлоғидагина эмас, балки бутун жамоа хўжалигида яшовчиларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача барчаси уни Сайдали ҳожи бобо дейишади.

Бобонинг ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса-да, аммо ғайрати баҳор селлари каби шиддатли.

— Сайдали бобо жуда ташаббускор одам, — дейди Узун тумани ҳиссадорлик жамияти раҳбари Қобил Қурбонов. — Бу одам Хоним қишлоғида зиғир ёғи ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Мана қарабсизки, қишлоқда ёғ муаммоси ҳал бўлди-қўйди. 1994 йилда саккиз тонна зиғир ёғи ишлаб чиқарилганлигини эшитиб ҳайрон қолдим. Бу ҳазилакам гап эмас. Ўғли Ҳимматали Сайдалиев ҳам отаси сингари янгиликка қизиқадиган, давр талаби асосида иш юритишни хушлайдиган ёшлардан.

Ҳимматали Узун тумани тайёрлов ҳиссадорлик жамиятига раҳбарлик қилади. Унинг саъйи — ҳаракатлари натижасида бир нечта цехлар қурилиб, ишга туширилди.

Яқиндан бошлаб зардўзлик цехи иш бошлади. Цехнинг Гули Тўраева бошчилигидаги чевар қизлар томонидан ўзгача нафосат, ўзгача меҳр билан тайёрланаётган миллий камзуллар, дўппиларнинг довруғи ҳатто қўшни Тожикистон Республикасидаги кишиларни ҳам лол қолдирганлигини айтишди.

— Иқтисодий ислоҳотларнинг дадил одимига ҳисса қўшиш ниятида консерва цехи ишга туширилди. Эндиликда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳаммага манзур бўлаётир.

Ҳимматали Сайдалиев ҳали ёш бўлса-да, кўпларга бош бўлишга арзийдиган ташкилотчи. Ота-бола тадбиркорлар Узун туманида, хусусан Искандар Диёров номли жамоа хўжалигида ишлаб чиқаришни янада ривож топтиришда хайрли ишларга бош-қош бўлаётирлар.

Уларнинг ҳали ниятлари кўп. Яқин ойлар ичида зиғир мойи ишлаб чиқариш цехида маҳсулот ҳажмини икки баравар кўпайтириш ва бошқа қўшимча цехлар ҳам очишни мўлжаллаб юрибди. Доимо янгиликка интиладиган, тиниб-тинчимайдиган фидоий одам — Сайдали ҳожи билан гурунглашиб қолгудек бўлсангиз илойим ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, дегингиз келади.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

*Қанотли хабарлар*

## ЭНГ АРЗОН ГУРУЧ

...«Хоразмавтойўл»нинг йўлқурилиш бошқармаси ишчи-хизматчиларига тарқатилмоқда. Яъни, бир кило гуруч атиги бир сўмдан сотилаётир. Кундалик зарур маҳсулотнинг бу нархи бозор баҳосидан деярли беш марта арзон.

Бошқармада бир минг уч юздан ортиқ киши меҳнат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтишда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилгани, режаларнинг ошириб бажарилаётгани — бошқарма маъмуриятининг тадбиркорлик, тежамкорликни биринчи ўринга кўтаргани натижаси.

## КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Асака шаҳридаги 6-автомобиль ремонти заводида янги маҳсулот — кимёвий кўпикли ўт ўчиргичлар ишлаб чиқарила бошланди.

Шу пайтгача Россия ва Украина мамлакатларидан келтирилаётган тақчил, лекин кундалик ҳаётда зарур ушбу ўт ўчиргичлар республика Ички ишлар вазирлигининг лабораториясида ва республика давлат стандартлаш марказида синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга рухсат этилди.

## ИШ ЎРНИ КЎПАЯДИ

Бухоро ип бўяш фабрикасида чиқинди иплардан гилам тўқиладиган янги цех фойдаланишга топширилди. Илгари ташлаб юборилган узуқ-юлуқ иплар энди корхонага мўмай фойда келтира бошлади. Яқин ойларда цехни кенгайтириб, яна 80 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

*Иқтисодий ислоҳотнинг вазифаларидан бири бозорларимизни зарур моллар билан тўлдириш. Шундай экан, бу йўлда изланиб, меҳнат қилиб, асосийси, самарадорликка эришилгандагина кўзланган мақсадга етиш мумкин бўлади.*

*Хоразм вилояти Янгиариқ тумани консервалаш цехининг ишчилари ишлаб чиқаришда юқори сифат ва самарадорликка эришганлардан. Уларнинг маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради.*

Ш. ИБРОҲИМОВ сурати.

*Армуғон*

# ҲАЁТ ДАРАХТИ ВА ТАЪЛИМОТ

Халқимизда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деган нақл бор. Нақадар теран, нақадар ҳикматли гап...

Мустақиллик шарофати билан табиий бойликларимизга эгамен булдик. Бу яхши, бундан чин дилдан қувонмоқ керак. Бугун биз бу улуғ неъматлардан нақадар самарали фойдаланиш лозимлигига иқрор буляпмиз. Ўзбекистонда ҳам макроиқтисодий механизмларни яратиш, четга хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот чиқариб, соф экспорт ҳажмини кўпайтириш каби имкониятлар мавжуд. Йўқ, биз сўнгги йилларда кўпайиб кетган ва тайёр хом ашёмизни четга чиқаришга шошилаётган айрим ишбилармонларни дарҳол тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга чақирмоқчи эмасмиз. Бу ерда гап фақат мустақил Республикамизнинг чегараланган бойликларидан пала-партишлик билан эмас, имкон қадар самарали фойдаланиш тўғрисида бормоқда.





Биз яхши ниятлар билан қўлимизга олган ва биринчи бор ўзбек тилида нашр қилинган «Макроиқтисод асослари» китоби инсониятнинг айнан моддий неъматлар исканжасида тобора чегараланиб бораётгани каби абадий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ булган назарий устқурмаларига таянган. Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув услубият маркази иқтисодиёт олий ўқув юртлари ва факультетлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.

«...Макроиқтисодиёт билан шуғулланишнинг энг асосий зарурати — Республикамизда барча ресурсларнинг чегаралангани-гидир. Чегараланган ресурслардан фойдаланишда энг самарали режа ёки дастурларни аниқлашимиз такомиллашган бозор иқтисодиёти муносабатларини ва рақобатни ташкил этишимиз, давлатнинг иқтисодиётга энг зарур ҳолларда самарали таъсир эта оладиган макроиқтисодий механизмларини яратишимиз, четга хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот чиқариб, соф экспорт ҳажмини кўпайтиришимиз, эркин баҳолар ҳаракат қилаётган шароитда давлат томонидан баҳоларни тартибга солиш каби заруратлар макроиқтисодиёт фанини кенг ва чуқур ўрганишимизни тақозо этмоқда», — дейди муаллифлар профессор З. Йўлдошев ва доцент М. Қосимовлар китобнинг сўнгги сўзида. Авваламбор шуни айтиб ўтмоқчимизки, сўнгги йилларда иқтисодчи олимларимиз саъи-ҳаракатлари билан тил луғатимизга шундай сўз ва атамалар кираётибдики, улар мазкур китобдан ҳам кенг ўрин олган. Масалан, тилимизга сингиб бораётган бозорнинг барча жабҳаларида «ўлмас» ҳисобланган талаб ва таклиф қонуни, рақобат ва монополия, коньюктура ва инвестиция, истеъмол ва жамғарма, инфляция ёки мультипликатор самараси каби иборалар, микроиқтисодиётнинг ҳамма соҳалари билан боғлиқ бўлган ва бир-бирига қарши ўлароқ юзага келган кейнс, класик назария монетар мактаблари намояндаларининг қарашлари шулар жумласидандир. Бандлик ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга хизмат қилган бу концепциялар индустриал бозор иқтисодига асосланган мамлакатларда макроиқтисодий дунёқарашнинг шаклланишида алоҳида ўрин тутади...

Тўғрида, мамлакатимиз жаҳон миқёсига интилмоқда экан, бозор иқтисодига оид жуда кўп байналмилал сўзларни рад этиш эмас, билъакс уларни қабул қилишимиз ҳаётий заруратга айланмоқда. Чунки жаҳон мамлакатлари билан алоқани мустаҳкамлаш учун биз: бизнес, биржа, менеджер каби ҳаммабоп атамаларни қабул қилганмиз. Улар китобнинг мазмунини оширишга хизмат қилган.

Барчамизга маълум: юртбошимиз Ислом Каримовнинг анжуманлардаги эҳтиросли нутқлари кишиларда ҳар сафар жуда катта таассурот қолдиради. Муаллифлар ҳозирги кунгача микро ҳамда макроиқтисодиёт «чегара»лари хусусида кечаётган айрим мунозарали савол ва жавобларига чек қўйишга баҳоли қудрат интилганлар. Айтайлик, микродаражада корхона, фирма ёки корпорация миқёсида, уларнинг раҳбарлари бозордаги талаб ва таклиф, бухгалтерлик ёки халқаро аудит орқали ўз фикрларининг ҳароратига баҳо бера олиш имкониятига эгалар. Ушбу китобда микродаражада, яъни мамлакатимиз иқтисодининг томирлари устида бармоқларимизни ушлаб туришимиз мумкин бўлган ҳароратлар хусусида гап юритилади. Айнан: ялпи ҳисоб-китоблар, талаб ва таклиф, доиравий айланиш ва ундаги ҳукуматнинг роли, структура, пул-кредит сиёсати, солиқ механизми орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш ва тартибга солиш борасида давлатнинг роли объектив зарурлиги қайд этиб ўтилади. Диққатга сазовор томони шундаки, мувозанатли «нуқта»лар қайси бозорда бўлмасин: хоҳ меҳнат, хоҳ пул, хоҳ маълум бир товарлар — уларнинг ана шу мувозанатга етишишлиги юзга яқин кесмалар, диаграммалар, аниқ ва шартли рақамларга асосланган равишда ёритиб берилган.

Албатта, ҳар бир янгилик ҳам, айниқса, ислоҳот давридаги янгиликлар нисбий бўлганидек, ушбу китобда ҳам маълум айрим нуқсонлар ҳоли эмас. Назаримизда иқтисодий луғат тилида авваллари ишлатилмаган тушунча, сўз ва белгиларнинг чет тиллардаги асл мазмуни алоҳида изоҳлар орқали кейинги нашрларда илова тарзда ва тўлароқ очиб берилса, мақсадга мувофиқ буларди.

Аҳмад ЎЛМАСОВ,
иқтисод фанлари доктори.

Анвар ЭШМУҲАМЕДОВ,
профессор.

Искандар ЁҚУБОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти.

*Шу азиз Ватан дилбандлари*

# «ЖАМЪИЯТИНГИЗ БОРИНИ ДАВЛАТ ТУТУНГИЗ!» —

## деган буюк шоир ва давлат арбоби Бобур

Заҳириддин Муҳаммад Бобур...

Беихтиёр нафис ғазаллар оққушлар каби тизилиб бизнинг хаёлимиздан кеча бошлайди, сўнг «Бобурнома»... Аммо бу сифат улуғ шоир шахсини тўла-тўкис намоён этмайди, албатта. «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган», дейди Жавоҳарлал Неру. Зеро, ўн икки ёшида Андижон тахтига ўтирган Бобур 43 ёшида Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронликка бош-қош бўлди, кўламли миқёсда маърифий ишлар қилди ва унинг вафотидан кейин ҳам сулоласи бу хайрли ҳаракатни давом эттирди. Ва шу тахлит янги бир маданият юзага келдики, унинг мумтоз обидалари ҳамон ҳаётга файзу кўрк бағишлаб турибди.

Мавқеи ва салоҳияти нуқтаи назаридан санъат асари саналмиш ҳар қандай асар абадиятга мансубдир ва у ям-яшил чинор каби асрлар оша яшайверади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган шундай мумтоз обидалардан бири «Бобурнома»дир. Ниҳоятда латиф ва жозибали тилда битилган бу асар ўз даври ҳақида, тарихий шароит ва жуғрофий кўриниш, маърифат тоқида чақнаб турган юлдузлар ҳақида бой маълумот берибгина қолмай, шоирнинг маънавий олами, моддий оламга кўз қараши хусусида ҳам кенг тушунча англатади, шоир жамият ва шахслар фаолиятидаги ўзига хос қирраларни нозик илғайди. Шунинг учун ҳам бу ноёб асар дунёнинг кўплаб халқлари тилларига таржима қилинган ва жавоҳир янглиғ маънавият хазиналарини жилолантириб турибди.

«Бобурнома»даги тарихий тавсифлар тизмалар билан тўйинтирилган. Зеро, шуни ҳам айтиш кераккки, Алишер Навоийга нисбат бериб, «Мунча бинойи хайр ким ул қилди, кам киши мундоққа мувоффиқ бўлмиш бўлғай», дегани каби, хизматларини кўздан кечиргач Бобурнинг ўзи ҳақида шундай демоқ жоиздир, деб ўйлайсан киши. Машҳур инглиз олими Эдуард Холден: «Бобур инсонлар ичида энг ботиридир, — деган эди. — Унинг манглайига юксак фазилат битиб қўйилган... Бобурнинг табиати Юлий Цезарнинг феълига нисбатан севишга арзийдиган табиатдир».

> «БОБУРНОМА» ...насрда ёзилган шоирона асар. Уни бутун дунёдаги энг нодир санъат асари деса бўлади. Биз дунёдаги энг гўзал асарлардан бирини Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари баҳам кўрмоқдамиз».
>
> Мулк Раж АНАНД,
> ҳинд адиби.
>
> «Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари гениал ва истеъдодли кишиларни камдан-кам учратамиз...»
>
> ЭРСКИН,
> инглиз адиби.

Ҳа, донишмандлар шарафли бўлишни иккинчи ҳаёт деб билганлар, шоирнинг шарафли ҳаёти асарлари қатида силқиб кўзга ташланади:

*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,*
*Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,*
*Чун гардиши чарх бу дурур, тангри учун*
*Бир-бирни неча кун ғанимат тутунгиз.*

Ҳозир ҳам бу рубоий ўз кучини йўқотгани йўқ, аксинча, янада ҳаётий, янада мушоҳадаталаб. Гўё улуғ шоир бугун — истиқлол йўлида риёзат чекаётган набираларига қарата ўз тажрибасидан келиб чиқиб ўгит айтаётгандай: бир-бирингизга меҳрибон бўлинг, иттифоқ бўлинг: «жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!»

Бобур асарида она Ватан, юрт соғинчи алоҳида ўрин тутади, шоирнинг кўнгилни ўртагувчи энг хазин наволари шу ҳақдадир.

*Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,*
*Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.*
*Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,*
*Ғурбатда севунмас эмиш албатта киши.*

Маърифат зиёси инсоният ҳаётини мунаввар этади, шу маънода Бобур қолдирган маънавий мерос кўнгилга таскин бағишлайди, унинг пурмаъно ҳикматларига амал қилайлик:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,*
*Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.*
*Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,*
*Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.*

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди.

*Ўзбекистон — Ватаним маним*

# СУРАТКАШ НИГОҲИДА — ФАҚАТ БОЛАЛАР!..

*Мамлакатнинг истиқболини нима белгилайди?*
*Маъданларими?*
*Заминининг серҳосиллигими?*
*Халқнинг яратувчилик салоҳиятими?*
*Зиёлиларининг фидойилигими?*

Ҳа. Ва яна бир омил бор, у ҳам бўлса туғилиш миқёси ва навқирон авлоднинг тўғри тарбия топиши...

Аксарият Оврупа мамлакатлари туғилиш камайиб кетаётганлигидан бежиз ташвишланаётгани йўқ. Оллоҳга шукрки, бу борада ҳам Ўзбекистон сийланган юрт. Бири-биридан қобилиятли болаларимиз камол топаётир, ҳозирданоқ турли соҳаларда кўзни қувонтирувчи иқтидорларини намойиш этаётир.

Қашқадарёлик суратказ Лутфилла Нарзуллаев бизга йўллаган суратини «Чойхоначи Шоҳруҳ» дея номлабди. Сиз болакай сиймосида оқсоқолларимизга хос кайвониликни илғаган бўлсангиз керак, азиз газетхон.

Ҳа, жаҳон чемпионлари ҳам қачондир бола бўлишган. Шохмот доналарига қараб жиддий ўйга толган дилбанднинг келажакда эҳтимол шундай шараф кутаётгандир?!

Суратказ Р. Акбаралиев хиёбонда мазза қилиб дам олаётган болакайлар тасвирини «Ўқишдан сўнг» дея атаган.

Раққоса... Биз унга Мукаррама Турғунбоева каби довруғли истиқбол тилаймиз.

Эртанги кунингиз янада ёруғ, йўлингиз нурафшон, дилбандлар!

*Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

## ЁШЛАР КЕНГАШДИЛАР

ЁИ Жиззах вилоят қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят қўмитасининг биринчи котиби Алишер Ҳайдаров: «Ўзбекистон ЁИ Жиззах вилоят қўмитасининг 1994 йили бажарган ишлари ҳақида ҳисобот ва 1995 йилги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Жиззах Давлат педагогика институти ЁИ бошланғич ташкилоти котиби Анвар Давронов, ЁИ Пахтакор тумани биринчи котиби Ботир Қодиров, Зомин тумани «Тамара» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти аъзоси Раъно Мақсудова, Мирзачўл туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Абдураззоқов, Жиззах педагогика билим юрти ЁИ қўмитаси котиби Жуманазар Ҳасановлар қатнашдилар.

Пленумда ташкилий масалалар ҳал этилди. Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ЁИ МҚ котиби Боймурод Юсупов сўзга чиқди.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

## СИРДАРЁДА ЙИҒИН

Сирдарё вилоят ЁИ қўмитасининг кенгайтирилган III пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда вилоят ЁИ қўмитасининг биринчи котиби О. Аҳмадқулов ЁИ вилоят қўмитасининг 1994 йилда амалга оширган ишлари якуни ва 1995 йилдаги режалари ҳақида маъруза қилди.

Иккинчи масала бўйича вилоят ЁИ қўмитаси котиби, Болалар ва ўсмирлар уюшмаси раиси Г. Давлатова нутқ сўзлади.

Пленумда туман ЁИ қўмитаси котиблари, бошланғич ташкилотлар котиблари, мактаб бош етакчилари, вилоят ХДП Кенгаши биринчи котиби Т. Исмоилов, вилоят ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири муовини Т. Сайфуллаев қатнашдилар. Пленумда вилоят ҳокимининг биринчи муовини С. Усмонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби, Болалар ва ўсмирлар уюшмаси раиси С. Шукуровалар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси аъзолари ва бюро аъзолари бўш ўринларига вакиллар сайланди.

Дилфуза ҚАРШИБОЕВА,
Сирдарё вилоят ЁИ қўмитаси бўлим мудири.

*Қашқадарё томонларда*

## ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

Ғузор туманидаги Навоий номли жамоа-ширкат хўжалиги раҳбарлари ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясига етарли эътибор бераётирлар. Ўтган 1994 йилда хўжаликда иккита янги мактаб биноси қурилиши бошланган эди. Яқинда Ширин Жовлиева номли ўрта мактаб биноси қурилиши тугалланди. Бино 220 ўринли бўлиб, ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча қулайликларга эга.

Мактаб биносининг тез ва сифатли қад ростлашида тумандаги Қувондиқ Алишеров бошлиқ 244-механизациялашган кўчма колонна қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар бу ерда 330 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди. Шу кунларда янги мактаб синфхоналарини жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда.

Шунингдек, хўжаликдаги Жума Боймуродов номли ўрта мактабнинг янги биноси қурилиши тугалланиш арафасида. Бино 420 ўринли бўлиб, қурилиш ишларини тумандаги 15-хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси бунёдкорлари амалга оширишмоқда.

А. САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон»нинг ўз мухбири.

*Сенинг тенгдошларинг*

## 22 ЁШЛИ УСТОЗ

*Бобоёр Тўраев 1972 йил туғилган. ТошДУ фалсафа факультетининг психология бўлимини тугатган. Айни пайтда Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг «Ижтимоий ва ташкилий психология» кафедрасида стажёр-ўқитувчи вазифасини ўтамоқда.*

— Бобоёр, эндигина 22 ёшга тўлибсиз. Шу ёшда ўзингиз тенги талабалар билан ишлашни, қолаверса, уларга руҳиёт илмидан сабоқ беришни қандай изоҳлайсиз?

— Жуда қизиқ саволни қўйдингиз. Ҳа, майли. Ҳозир республикамизда долзарб бўлган мавзу — ижтимоий психологиядан янги маъруза ва амалий ишлар устида ишлаяпман. Имкон қадар кўпроқ шу мавзулар билан чиқишга ҳаракат қиляпман. Энди тенгдошларим бўлган талабалар билан ишлаш, улар билан мулоқотда бўлиш тўғрисида гапирадиган бўлсам, ўзим ҳам яқингача талабалар қаторида эдим. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг хоҳиш-истакларини, муаммоларини яхши билганим сабабли ҳам талабалар билан тил топишиш менга жуда осон кечади.

— Айтингчи, психологиянинг ўзи нима?

— Тўғри, кўпчилик «психология» сўзини эшитиши билан руҳан заиф, ақлан тараққий этмаган кишилар билан шуғулланувчи соҳа деб тушунишади. Психология ва психотерапия деган соҳалар мавжудки, улар асосий (фаолият) мақсад ҳамда инсон асаб системаси, унинг бузилиш ҳоллари ва руҳий касалликларини тадқиқ қилади. Бу фаннинг асосий тармоқларидан бири ижтимоий психологиядир. У инсон ички руҳияти, кайфияти ва жамияти шаклланишини ўргатади. Ҳозир биз олиб бораётган амалий ишларнинг, яъни психологик тренингларнинг мақсади ҳам кишиларга ўз хулқ-атворини ўзгартиришга ва баркамол, руҳан соғлом инсонларни шакллантиришга қаратилган.

— Ана шу амалий ишлар, психологик тренинглар ёрдамида инсон шахсини ўрганиш, аниқроғи одамларда тажрибалар ўтказишни аҳлоқий деб ўйлайсизми?

— Албатта, инсон хулқ-атворини, шахсини ўрганишга бағишланган ҳар қандай психологик тадқиқот, тажриба ёки тестлар инсон учун хизмат қилиши ва унга нисбатан шавқатли, ахлоқ нормаларига жавоб берадиган мукаммал бўлиши лозим. Мисол тариқасида айтишим мумкин, шундай мукаммал услублардан бири ҳозирда видеотренинглар деб тан олинган. Бу усул бизга нисбатан чет давлатларнинг ҳар бир соҳасида кенг қўлланилмоқда. Республикамизда эса бу услуб ягона ва энг салмоқли ташкилотлардан бири Алишер Файзуллаев бошчилигидаги «Ижтимоий-ташкилий психология» кафедрасида қўлланилмоқда. Унинг фаолияти билан таништирадиган бўлсам, биз унда фильмли видеотренинглар, психотренинглар олиб боряпмиз. Бир нарсани афсус билан айтиш керакки, тингловчиларимиз фақатгина университет ходимлари ва талабалари билан чегараланиб қолмоқда.

— Мутахассис сифатида ҳозирги ёшларнинг кайфиятини қандай баҳолайсиз ва бу ҳақда нималар дея оласиз?

— Ҳақиқий қадриятларимизнинг тикланиши даврида, эски тузумда ўсиб, тарбия топган аксарият ёшларимизнинг аҳволи айни ҳозирги даврда анча оғир. Чунки уларнинг кўпчилиги Ватан, миллат туйғуларисиз, меҳр-муҳаббатсиз, келажакка тузилган юксак мақсадларсиз, фақат бугунги кун нафаси билан яшамоқдалар. Бу ёшларнинг айби эмас, албатта, балки давр тақозоси, тақдир! Шу боисдан ҳам уларга, чорасизлик, руҳий тушкунлик, ноумидлик, бефарқлик каби ҳислатлар хос. Аммо лекин халқимиз ҳар бир даврда ўзининг меҳр-оқибатли, ватанпарвар, сабр-тоқатли, иқтидорли, олижаноб ва фидойи ёшлари билан фахрланиб келган. Ҳозир ҳам мамлакатимизда олижаноб туйғулари билан кўтаринки руҳда буюк мақсадлар сари, буюк давлат қуришга ўз ҳиссаларини қўшаётганлар жуда кўпчиликни ташкил қилади.

Эркин МАВЛОНОВ
суҳбатлашди.

## ЮРТГА МУҲАББАТ ҚАНОТИМИЗДИР

Муваффақиятга эришишнинг бош омили нимада? Ҳар ким ҳар хил таҳлил қилиши турган гап. Ахир сўқмоқсиз кенгликдан катта йўлга чиқиб олиш осон иш эмас. Ҳар ким ҳар хил чама олади. Бунда ана шу белгиланган чамани йўқотмаслик, йўлдан тоймаслик муҳимдир. Ёшлар Иттифоқимиз ҳам ўзининг тикланиш босқичини ўтаб, камолот сари ўз Устави ва ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатаяпти. Буни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тўрақўрғон тумани ташкилоти фаолиятидан ҳам кўриш мумкин. У Ёшлар Иттифоқининг 151 ташкилотини бирлаштирган бўлиб, улар сафига 18085 аъзо уюшган. Тумандаги 12 жамоа хўжалигида, «Ширинлик» комбинатида, қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида, марказий касалхонада бошқа ишлардан озод этилган Ёшлар Иттифоқи ташкилоти котиблари фаолият кўрсатмоқдалар.

Ёшлар Иттифоқи туман қўмитамиз аппарати катта эмас. Тўққиз нафар ходим фаолият кўрсатади. Шундан 7 нафари масъул ходим ҳисобланади. Гап ходимларнинг миқдорида эмас, энг муҳими, туман ёшлар қўмитаси фаолиятининг самарадорлигидадир. Ҳозир Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг бош йўналиши ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, республика миллий истиқлол мафкурасини йигит-қизларга сингдириш, истеъдодли ёшларни кенг халқ оммасига таништириш сингари муҳим вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Шу билан бирга ёшлар ўртасида қонунчиликни тарғиб этиш, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш ҳам асосий вазифалардан биридир.

Бу соҳада Ёшлар Иттифоқи туман ташкилотлари туман халқ таълими бўлими, фахрийлар, хотин-қизлар, байналмилал жангчилар кенгашлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Наманган шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм билан узвий алоқани йўлга қўйганмиз. Тузилган жадвалга асосан ҳар ойда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари шу ерда бўлишиб, аскарларнинг ҳаёти, замонавий қурол-яроқлар билан яқиндан танишадилар. Фақат шу билан чекланиб қолинмайди. Аскарларга арзигулик бирор совға берилиб, мароқли дастур асосида концертлар намойиш этилади. Бу ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Ўсмирлар ҳам назаримиздан четда қолаётгани йўқ. Туман прокуратураси, ички ишлар бўлимининг вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси билан ҳамкорликда тузилган режа бўйича ҳар ойда «Ўсмир ва қонун», «Жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари», «Қонун олдида ҳамма тенг» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилиб туриладди. Шунингдек, инспекция ҳисобида турган ўсмирлар Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотларига бириктириб қўйилган. Улар ўз оталиқларидаги ана шу ўсмирларни тўғри йўлга солиш, ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиб бориш, фойдали ишларга жалб этиш юзасидан амалий тадбирлар кўрмоқдалар.

С. ҚАҲҲОРОВА,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тўрақўрғон туман қўмитасининг биринчи котиби.

# Ҳозирги ёшлар

*Саҳоватли бўлайлик*

# ЭЗГУЛИККА ИНТИЛАЙЛИК

- Яхшидан боғ қолади.
- Етимларнинг бошини силаган инсон.
- Меҳридарё муаллим.

Мустақиллик кўп нарсаларни билиш имконини берди. Бугун биз айрим тугунларнинг сабаб-моҳиятини теран англай бошладик. Эндиликда тижоратчи, ишбилармон, тадбиркор деган сўзлар тилимиздан тушмайдиган бўлиб қолди. Чор-атрофимизда ўзининг ақл-заковати билан кўпчиликни лол қолдирадиган уддабурон, давлатманд кишилар кўпайиб бормоқда. Уларнинг орасида она-юрт тақдири учун жон куйдираётганлари қанчадан-қанча. Мустақил давлатимиз, халқимиз, миллатимиз равнақи учун бундайларнинг сафи кенгайгани маъқул.

Бугун билдикки, юрт бойлиги одамларнинг тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришлари билан чамбарчас боғлиқ экан. Эндиликда ақлни ишга солиб, уддабуронлик билан иш тутаётган давлатманд кишилар пайдо бўлаяпти. Бундайлар сафи тобора кенгаяверсин. Негаки атрофингда тўқ, бадавлат кишилар бўлса, сен ҳам беихтиёр уларга етиб олишга интиласан. Лекин масаланинг диққатга молик бўлакча томони ҳам бор. Баъзи бир бойваччаларнинг бозорда одамгарчилик, меҳр-оқибатни ҳам бозорга солишаётганлигини кўриб, бошингдан ҳушинг учади. Улар атрофдаги етим-есирларни баъзи бева-бечораларни қадрлаяптиларми? Мўминларга ўзларини яқинроқ тутаяптиларми? Эътиборли бўлаяптиларми? Минг афсуски, орадаги масофа узоқлашаётгандек. Бу балким 70 йиллик сиёсат, тарғибот ва тарбиянинг самарасидир. Қачон бойларимиз яна ўзбеклигини, танти ва саховатлилигини намойиш қиладилар? Қачон улар юртимизда кенг миқёсдаги ибратли ишларни амалга оширадилар? Яхшиямки, уларнинг бахтига ҳукуматимиз, ғамхўр Президентимиз бор.

Илгари бадавлат юртдошларимиз элу улусга қайишганлар. Уларнинг қалбларида халққа, юртга нисбатан меҳр, қайғуриш ҳисси доимо жўш уриб турган. Масалан, ромитанлик Чориқулбой қурдирган кўприк, бошқа ўнлаб, юзлаб унинг замондошлари тиклаган хонақолар, масжиду мадрасалар ва муқаддас жойларни халқимиз ҳозир ҳам ёддан чиқаргани йўқ.

Моли-дунёси, давлати ошиб-тошиб кетган шундайлар борки, улар қаерда, қайси, бир даврада ўтириб турмасин (улар баъзан тўй-маракаларда жўшиб, даста-даста пулларни ўйинчилар устидан тўкиб сочишни хуш кўришади) нуқул бойлиги билан мақтанишдан бери келмайди. Лекин негадир, савоб ишларга қўл уришни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Эмишки, фақиру мискинларга вожиб садақаларни бажо келтирмаган бойларга жаҳаннамда даҳшатли бир хандақ бор экан. Шу ўринда шарқнинг улуғларидан бири Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замах Шарийнинг қуйидаги ҳикматли сўзларини эслаш жоиз. «Инсонга хайру эзгуликдан бошқа кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир».

Мен туманимизда жомъе масжидлар қурилишига минг-минг сўмлаб маблағ ажратаётган ёхуд бевосита шу ишнинг бошида турган азиз инсонларни, ҳар йили қанчадан-қанча мевали кўчатлар етиштириб, эл-улусга бепул улашаётган кишиларни биламан. Далмунлик Абдураҳмон ака, самончиқлик Саид ота, шаҳрисабзлик Баҳодир Хўжаев, сепатталик мулла Сано Савур ўғли ана шундай саховатпеша, меҳридарё инсонлардир.

Етимларни бошини силаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Водийлик бағри кенг инсон, нон комбинатининг оддий ишчиси Олимқул Мавлоновнинг болалар уйида тарбияланаётган 10 нафар болаларни бағрига олиб, ўз фамилиясига ўтказганлигидан бугун кўпчилик воқиф. Ёхуд қорақалпоғистонлик меҳридарё муаллим Олланиёз Ўтаниёзовнинг уй-жойга муҳтож бўлган ногиронларни ўзи излаб топиб, уларга 30 дан ортиқ имморат қуриб бергани-чи. Ҳозирда унинг номи юртимизда меҳр оқибат тимсоли сифатида тилга олинаётир. Юқорида номлари тилга олинган инсонларнинг хайрли ишлари чинакамига қаҳрамонлик эмасми? Менимча шундай. Ишқилиб, саховатли одамларни яратганнинг ўзи қўлласин.

Усмон НАВРЎЗОВ.

*Болалар — бахтимиз*

## КИЧКИНТОЙЛАРНИ ЎЙЛАЙДИГАН КАТТАЛАР

Нима сабабдандир кейинги йилларда Жарқўрғон шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли болалар боғчасида маблағ тақчиллиги пайдо бўлди. Шундай пайтда кичкинтойларга совғалар улашадиган, қўғирчоқлар олиб бериб, боғча биноларини таъмирлашга ёрдам берадиган мард топилса — ким суюнмайди, дейсиз?

Мудира Дилором Бердиеванинг оғзи қулоғида: боғчамизга туманимиздаги нефть маҳсулотлари корхонаси жамоаси кўмак беришмоқчи...

Аслида боғча шаҳар ҳокимлиги тасарруфида. Аммо, болалар муассасасига бутунлай «бегона» корхона раҳбари бир талай нарсаларни ваъда қилса бундан ортиқ сахийлик бўладими?

Кўп ўтмай болалар боғчаси учун қилинган ваъдалар уддаланди. Кичкинтойлар масканига 20 минг сўмлик кўмак берилди.

Болалар учун айвончалар қурилди. Боғча ошхонаси тезда таъмирланди. Корхона лимонзоридан кўплаб маҳсулотлар келтирилди. Гўдаклар яйраб ўйнасин, деган ниятда икки минг сўмлик ўйинчоқлар келтирилди.

— Бизнинг корхонамиз ҳисобида маблағ кўп бўлсаю, боғчада етишмовчиликлар бўлиб турса, томоғингиздан нон ўтармиди? — дейди Аҳмад Ҳасанов.

Энди кичкинтойларга ғамхўр бўлган корхона қандай қилиб иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб бораётганлиги ҳақида.

Корхонада бўлганимизда бунинг сабаби равшанлашди. Йиллик режалар уддаланаётир. Рентабеллик кўнгилдагидек, ҳар йилгидан кўра кўпроқ соф фойда олинмоқда.

— Бугунги кунда қандай муаммолар бор? — сўрадим боғча мудирасидан.

— Худога шукур, биздаги маблағ тақчиллиги барҳам топмоқда; нефть маҳсулотлари корхонаси ҳар жиҳатдан кўмак бериб турибди. Биз бундан жуда хурсандмиз.

Ж. ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

## 25 Устун

Бугун — Рамазоннинг ўн бешинчи куни

Соат 5.41 гача саҳарлик қилинади. Кечқурун 18.01 да оғиз очилади.

Расулуллоҳ саллоллоҳи алайҳи ва саллам айтадилар:

Нонни ҳурматланглар!

***

Деҳқончилик билан шуғулланинглар. Деҳқончилик муборак касбдир. Унга қўриқчиларни кўпайтиринглар.

***

Умматимда пайдо бўлишидан қўрққан нарсаларимнинг ёмонроғи:

1. Қорининг катталиги.
2. Кўп ухлаш.
3. Дангасалик.
4. Имони заифлик.

***

Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар.

***

Ораларингда салом беришни кенг тарқатинглар, бир-бирларингта муҳаббатларинг зиёда бўлади.

*Қойилмисиз*

### ЖАҲОНДА БЕШИНЧИ



Бундан ўн йил муқаддам Тошкенти азимда телеминора фаолият бошлаган эди. У жаҳондаги мана-ман деган миноралар орасида бешинчи ўринда туради.

Баландлиги — 375 метр. У эллик дастур бўйича радио ва телекўрсатувларни узата олади.

*Ибрат олса арзийди*

### МАҲАЛЛАГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

Сиёбликлар бошлаган хайрли ҳаракат самара бера бошлади: «Меҳнат» тикувчилик бирлашмаси жамоаси маҳаллалар билан узвий алоқани йўлга қўйди. Ҳалифа Иброҳим, Ғафур Ғулом, Садриддин Айний номидаги маҳаллалар аҳлининг аксарият аҳолиси ҳозир бирлашмада яратувчилик билан банд. Бундан ташқари, XIX асрга оид нодир обидаларни таъмирлашда ҳам улар хайрли ишлар қилаётир.

Ўзбек — афғон «Меҳнат — „Гарзой ЛТД» қўшма корхонаси ҳам шу маҳалла аҳли муқим меҳнат қиладиган замонавий корхонага айланди.

### ОМОН БЎЛИНГ, ШИРИНГУЛ ОПА!

Зафарободлик Ширингул Алиева фермерлик фаолиятини бошлаган чоғидаёқ «Туркистон» газетаси бу оловқалб аёл ҳақида ҳикоя қилган. Ўтган уч йил ичида унинг хўжалиги 328 тонна гўшт, 120 тонна сут етиштириб берди.

Ширингул опа хайрли ишлардан ҳам четда тургани йўқ: болалар боғчаси, кам таъминланган оилалар унинг ёрдами ва совға-саломларидан баҳраманд бўлишмоқда.

*Мана шунақа гаплар*

### АЙТМАТОВ БЎЛГАНЛИГИ УЧУН...

Қирғизистон Республикаси Конституциясига мувофиқ парламент депутатлигига номзоди кўрсатиладиган шахс шу даврга қадар мамлакатда беш йил доимий яшаган бўлиши лозим.

Лекин Чингиз Айтматов, ўзингиз биласиз, яқин-яқингача Россия Федерациясининг Люксембургдаги элчиси эди. Парламент депутатлигига таниқли адиб номзоди кўрсатилганида...

Барча учун умумий тартиб Чингиз Айтматов учун истисно қилинди, деб ҳикоя қилади «Рабочая трибуна» газетаси шу йилги ўнинчи февраль сонида.

*Келинг, бир кулишайлик*

### ЖАЗО

— Ҳей гувоҳ! Нега ёлғон гапирасиз? Бунинг учун сизни нима кутаётганлигини биласизми?

— Бўлмасам-чи!

— Ху-уш?

— Яп-янги «Волга» берамиз, дейишган.

*Йигитлар сўз сўрайди*

# «ТУШУНМАЙДИГАН БОЛА»

. Меҳмон қиз нега хафа?
. Боғдодда тинчлик.
. Қиз танлашда адашманг.

Кўчага чиқсам, қизчалар коптоқ ўйнаётган экан. Жимгина томоша қилиб турдим. Улар орасида чиройли кийинган қизча ажралиб турарди, меҳмонга келган шекилли.

Бир пайт унинг қўлидан коптоги чиқиб кетиб, Ғанининг олдига бориб тўхтади. Ғани тўпни олиб, бир тепган эди, Машрабларнинг томига тушди. Меҳмон қиз ҳайрат билан термулиб қолди.

— Нега бундай қилдингиз, олиб беринг энди!

Ғани индамасдан бурилиб кетди.

— Тушунмайдиган бола экан!

Меҳмон қизнинг қаттиқ гапиргани шу бўлди. Лекин менга «тушунмайдиган бола» сўзи дунёдаги энг ёмон ҳақоратдек туюлиб кетди. Шундан бери тушунмайдиган-тушунадиган сўзига кўп эътибор бераман. Ва англадимки, тушуниш бу — ўзгаларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриб унинг ҳолатини англаш санъатидир. Тушуниш кечиримли бўлиш, ўзгалар дардини англай олишдир. Ҳаётда кенг мулоҳазали, тушунадиган аёлларни кўп учратганман. Шундай ожизаларга ҳурмат билан қаровчи инсон сифатида уларнинг умр йўлдошларига беғараз ҳасад ҳам қиламан.

Тушунадиган аёллар нима демоқчи эканлигингни кўз қарашларингданоқ англайдилар. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўғилчамни касалхонада олиб ётишга тўғри келди. «Тунги ёғду» кўрсатувини томоша қилаётгандик. Ўғлим уйқудан уйғониб йиғламаётганмикан, деб ҳадиксираб тургандим, қўшни палатадаги аёл келиб қолди.

— Боғдод томонларда тинчликми? — сўрадим ундан.

— Тинчлик бўлмай, нима буларди!

Унинг зардали оҳангидан сўзимни тўғри тушунмагани, тушуна олмагани аён бўлди. Шунда ёнимда ўтирган ёш жувон:

— Болалар йиғлагани йўқми, деб сўрашаяпти, — деб изоҳ берди.

Мана шу нарса — тушуниш. Боғдодда деб сўрашимниг боиси касалхонанинг юракни сиқадиган муҳитида ҳазил учун ишлатилган сўз эди. Тушунган аёлнинг садағаси кетса арзийди. Тушанадиган аёлларга жонингни берсанг, ачинмайсан. Тушунадиган аёлларнинг эрлари қаримайдилар.

Юз ёшга кирган отахонни тавоф қилиб, шу ёшга киришининг боисини сўраганимда, у:

— Узоқ умр кўришимнинг сабабчиси, маликаи муҳтарамамиз бўлмиш Ҳадича онангдир, — деб жавоб бердилар.

Энди тушунадиган қизларни танлаш масаласига келсак, бу ҳам бир омад. Лотереяга ютуқ чиққандек гап.

Онам хамир қилаётганларида «Тузини қандай қилиб расо қиласиз», деб сўраганман.

— Чамалаб ташлайман болам, — деган эди кулиб, кунора хамир қилавергандан кейин кўзинг пишиб қоларкан.

Ўйланаётганда қиз танлаш ҳам худди ўшанга ўхшайди. Учрашасан, чамалаб кўрасан. Дидингга ёқса ўйланасан, фақат бундай имконият ҳаётда бир марта, биргина марта берилади. Шубҳасизки, аёлнинг қандай бўлиши, табиатидаги ўзгаришлар эрларнинг ўзига ҳам боғлиқ. Уларнинг ички дунёсини, табиатини ўрганиб, ўшанга қараб муомала қилиш, кўнглига йўл топиш, йўлига юргазиш ақлли эрларнинг вазифасидир.

Бир сафар тиш ювадиган сиқма тугаб қолди. Ана олиб келаман, мана олиб келаман, деб ҳеч имкон тополмадим. Хижолат бўлганимдан бир куни ҳалигининг юки-юрумини аёлимнинг тиш тозалагичига сиқиб чиқариб, ишга кетдим. Ўша куни вақт топиб, янгисини сотиб олдим. Шу воқеа эсимдан ҳам чиқиб кетган эди. Бир куни жаҳлим чиқиб, хотинимга қаттиқ гапириб юбордим. Ўзимга келгач, афсусландим:

— Сени шунча авайлай десам ҳам, хафа қилиб қўяман. Асабим ёмонлашиб бораяпти, шекилли, — дедим.

— Авайлашингизни биламан, — деди у жилмайиб.

—Қаёқдан биласан? У ҳозиргина бўлиб ўтган кўнгилсизликни унутиб, оғзининг таноби қочиб, ўша куни тиш тозалагичга сиқиб қўйилган сиқмани эслатди.

Қаранг-а! Шу арзимаган нарса унинг кўнглини тоғдек кўтарганини тасаввур ҳам қилмаган эдик. Демакки, аёллардан меҳру муҳаббат, эътибор талаб қилишдан аввал, уларга ўзимиз меҳрли, эътиборли бўлишимиз керак экан.

Аксарият эрлар аёлим мени тушунмайди, деб норози бўладилар. Начора, бу ҳам тақдирнинг ёзмиши. Агар аёлингиз сизни тушунмас экан, сиз уни тушунинг, кўнглига йўл топинг! Мени тушунмади деб ажралиб кетиш ҳам эр кишига ярашмайди чоғи. Бундан кўра аёлнинг қизиқиши, қандай юмуш билан шуғулланишни хуш кўришини билинг ва унга имкон яратиб беринг.

Газета ва журналлардаги яхши-яхши ҳажвий ҳикояларни, ўқимишли китобларни олиб келиб беринг, йўл-йўриқ кўрсатинг.

Озгина мулоҳаза қилиб кўрсак, шунча йилдан бери биз эш бўлган миллатлар орасида энг фидойиси, болажони бизнинг аёллардир. Бас, шундай экан, биз эрлар уларни авайлайлик.

Ахир, бир оилага бахт беролмаган, биттагина аёлнинг кўнглини ололмаган эркакнинг қандай қилиб элу-юртга фойдаси тегсин! Дарё бўлайлик, уммон бўлайлик, майли, бироқ ундан биринчи бўлиб татиб кўриш бахти энг аввал ўз ожизаи муҳтарамамизнинг шаърий ҳуқуқидир. Шу ўринда яна бир гапни қайтариб айтишдан ўзимни тиёлмайман. Эр парвариш қилса, аёл париваш бўлади, деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Аёлларимизга меҳр берсак, у бизга фарзандларимиздан, унинг ўзидан минг ҳисса бўлиб қайтиши шубҳасиз. Аёлларимиз эса «Арава»ни тенг тортишмасалар ҳам яхши гапларини аяшмаса бас. Бизни тушунсалар бўлгани...

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.

МУТОЛАА М. АМИН сурати.

*Қанотли хабарлар*

### ҚИЗЛАР ИШГА ЖОЙЛАШДИ

Қангкўл тумани сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси ҳудудида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи 9 та цех бор эди.

Яқинда у ерда 10-кичик корхона — гилам тўқиш шаҳобчаси ишга тушди. Натижада ҳунар-техника билим юртини тегишли ихтисослик бўйича битирган ўн нафар қангкўллик қизлар иш билан таъминланди.

### НАСРИДДИН — НУКУСДА

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Бердақ номидаги Давлат мукофоти соҳиби Қувватбой Абдураимовни Марказий Осиё минтақасида истеъдодли киноактёр сифатида яхши билишади,

Айни пайтда Қ. Абдураимов кўплаб пьесаларни моҳирона саҳналаштирган тажрибали режиссёр ҳамдир. У яқинда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқали драма ва комедия театрида драматург Иброҳим Содиқовнинг «Хўжа Насриддиннинг хотинлари» комедиясини саҳналаштирди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
(Ўз мухбиримиз)

*Қутлуғ кун*

### ШУ ЁРУҒ ФАСЛГА...

Профессор Асқар ЗУННУНга

*Муборак кун бу кун ҳаётингизда*
*Меҳрингиз мадҳига чалинар бу соз.*
*Шогирдлар сафланмиш атрофингизда*
*Армон бўлган дамлар келибди,устоз.*

*Сочингизга тушган ҳар битта қиров*
*Илмнинг бетакрор жилоси эрур.*
*Юздаги ажинлар умр сўқмоғин*
*Сирли, синоатли дунёси эрур.*

*Истибдоднинг чағир сўқмоқларида*
*Гуллар ундирдингиз сарҳил ва хушбўй.*
*Не тонгким, саодат насми эсганда*
*Маърифат боғида таратурлар бўй.*

*Умрингиз зинасин ҳар бири, ажаб,*
*Шу ёруғ кунларга бошламиш сизни,*
*Шогирдлар бир тараф, сиз ҳам бир тараф —*
*Юртдан аямайсиз хизматингизни.*

*Муборак кун бу кун ҳаётингизда-*
*Меҳрингиз мадҳига чалинар бу соз.*
*Шогирдлар сафланмиш атрофингизда*
*Армон бўлган дамлар келибди, устоз.*

Раъно АБДУСАЛОМОВА.

*Газета саҳифаланаётганда*

### ТАБИАТНИ АСРАШ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Она сайёра — ҳаммамизники. Не-не неъматларни инъом этган табиат ёрдамга муҳтож. Уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг бурчидир. Қолаверса, йирик саноат мамлакатига айланаётган Ўзбекстонимиз учун экологик тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир. Бу борада ёш экосанчилар ҳозирданоқ кунт билан ўқишлари керак. Тошкент шаҳридаги 305-мактаб лицейи ўқувчиларига жонажон табиатга меҳр уйғотиш, теварак-атроф мусаффолигини сақлаш келгуси авлод олдидаги муқаддас бурчимиз эканлиги тушунтирилмоқда. Ҳозирча Марказий Осиё минтақасида ягона ушбу мактабга 1993 йилда экологик йўналишдаги лицей мақоми берилди. Шундан буён илм маскани экология ва тиббиёт, экология ва иқтисод йўналишлари бўйича ёшларга сабоқ бериб келади. Экологик йўналишда ўқиётган 800 нафар ўқувчи қаторида 20 та бошқа вилоят болалари ҳам бор.

Куни кеча мазкур даргоҳда экология ва саломатлик гуруҳини тузишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда халқаро экология ва саломатлик «Экосан» жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов, республика фахрийлар Кенгаши раиси Бектош Раҳимов, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари иштирок этишиб, бу хайрли ишга эндигина қадам ташлаган мактаб жамоатчилигига ва ёшларга куч-қувват тиладилар.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

*Миллатим деб куйди жоним*

# «САВОБГА БЕЛ БОҒЛАГАНДИМ»

дейди уч нафар шогирди муддатидан бир йил олдин олий ўқув юрти талабаси бўлган муаллим

Таҳририятимизга одатда баъзи кишилар ўзларига тегишли АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШларини сўраб хат ёзишади. Буниси эса сал бошқачароқ. Унда муаллиф ўзи тушиб қолган вазият ғоят мавҳумлигидан асаблари толиққанлиги, бу мубҳамликка ортиқ бардош беролмаслиги, ўзи жон-дилидан севган ишини бафуржа давом эттириши ёки уни бутунлай тарк этишини қатъий белгилаб берадиган ҳамда бетоқатлик билан кутилаётган ЖАЗОнинг тезроқ берилишини талаб қиларди.

МАЪЛУМОТ: Бахтиёр Пирназаров 1955 йилда Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғида туғилган. Касби — ўқитувчи. 1978 йилда Ҳамид Олимжон номидаги Қарши педагогика институтининг физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. Шу йилдан Чироқчи туман халқ таълими бўлимига (айни пайтда мактаб Кўкдала халқ таълими бўлими тасарруфида) қарашли Абдураҳмон Жомий номли ўрта мактабда муаллимлик фаолиятини бошлаган. 1992 йилдан буён шу мактаб ҳузурида ўзининг ташаббуси билан ташкил этилган, аниқ фанлар чуқурлаштирилиб ўтиладиган иқтидорли болалар лицей-синфларига етакчилик қилади.

Саъдин Сафаров — иқтидорли болалар лицей-синфларининг нутқ маданияти ҳамда рус тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиси:

— Бахтиёржон, шубҳасиз жуда фидойи ва тараққийпарвар муаллим. Уни, айниқса, асримиз бошларидаги жадидчилик ҳаракати ғоялари, Фитрат, Авлонийларнинг қарашлари, Файзулла Хўжаевнинг маорифимиз, илм-фанимизни юксалтириш йўлидаги хайрли уринишлари ўзига кўпроқ жалб қиларди. Шу ҳавас ва интилишларнинг самараси ўлароқ, жуда кўп уринишлару ҳаракатлардан кейин, бизнинг лицей-синфларимиз юзага келди. Биз — танлов асосида ишга олинган 7 нафар ўқитувчи Кўкдала халқ таълими бўлимига қарашли ўрта мактаблардан саралаб олинган 50 дан ортиқ юқори синф ўқувчисига катта иштиёқ ва илҳом билан дарс бера бошладик.

МАЪЛУМОТ: иқтидорли болалар лицей-синфлари Чироқчи туман халқ таълими бўлими (Кўкдала халқ таълими бўлимидаги мутасаддилар негадир бу тадбирдан четда қолишган)нинг «Кўкдала» жамоа-ширкат хўжалиги маъмурияти талаби асосидаги махсус қарори билан 1992 йил 19 сентябрдан иш бошлаган. Лицей-синфлар муаллимлари меҳнатлари учун тўланиши зарурий бўлган 20 фоизли устама ҳақни умуман олишмаган. Бу борадаги вилоят халқ таълими бошқармасининг тавсияларига Кўкдала халқ таълими бўлими раҳбарияти турли баҳоналарни рўкач этганча амал қилмаган.

Тилов Жўлбулов — Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Кўкдала чекка жой. Бу ерга Жомий мактабидаги сингари лицей-синфларгина эмас, яхшигина махсус мактаблар ҳам керак. Аммо шу кичик лицей-синфларни очиш учун ҳам ташаббускорлар анча қийналишди. Лекин савоб ишга эл албатта қўшилади. Лицей-синфлар очилди. «Кўкдала» жамоа-ширкат хўжалиги уни оталиққа олиб, синфлар учун 50 минг сўмга Болгарияда ишлаб чиқарилган «Агат-9» компьютер жиҳозлари мажмуини харид қилди. Бизнинг фуқаролар йиғини идораси синфлар учун керакли барча ашёларни ажратиб берди.

Тоштемир Мавлонов — Кўкдала тикувчилик цехи бошлиғи:

— Бахтиёрнинг синфлари учун биз ўз балансимиздаги яхшигина бинони ажратиб берганмиз. Улар бизга ҳеч қанақа ижара ҳақи тўлашмайди. Болаларнинг эрталабдан аср намози вақтигача дарс ўтаётганини, айримлар билан муаллимлар кечқурунгача машғулот ўтказаётганини кўриб, фойдаланилмаётган биномиз шундай савоб ишга хизмат қилаётганидан кўнглим кўтарилиб кетади.

Ўрин Абилов — Бободўст Шукуров номли 112-ўрта мактаб ўқитувчиси:

— Касбим муаллимлик бўлгани учун лицей-синфлар мураббийлари эришаётган муваффақиятлар қандай катта машаққатлар эвазига келаётганини жуда яхши ҳис эта оламан. Жони-дилим билан улар сафида бўлгим келади. Ўғлим Ибодулла илгари ўзим ишлаётган мактабда ўқирди. Ҳозир Бахтиёрнинг синфида. Бу ерга ўтганидан бери унда содир бўлаётган ўзгаришларни кўриб ҳам қувонаман, ҳам ҳайратланаман. Ҳозир мустақил дарс қилади, вақтни қадрлайди. Биргина далил: 1994 йилда Кўкдала халқ таълими бўлимига қарашли 38-ўрта мактабдан 700 дан ортиқ битирувчи етуклик шаҳодатномаси олган бўлса, шу битирувчилар орасидан фақат биттасигина олий ўқув юртига қабул қилинди. Биргина лицей-синфнинг эса уч нафар ўқувчиси муддатидан бир йил олдин, яъни кўпчилик назарида ҳали ўрта мактабни тамомламай туриб тест синовларидан муваффақиятли ўтишга ва олий ўқув юртига кириб ўқишга эришди.

Энди тўхтанг, азиз муштарий. Мақоламизнинг ёзилишига, қаҳрамонимизнинг жазо талаб қилишига сабаб зарур нуқтага келдик чамамда.

СЎЗ ҚАҲРАМОНГА.

Б. Пирназаров: мен Кўкдала халқ таълими бўлими мутасаддилари билан орамизда қандайдир келишмовчилик мавжуд дея ўйлашдан жуда йироқман. Муносабатларимиз яхши. Ўтган йили қиш фаслида, Кўкдала халқ таълими бўлимида вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ташаббуси билан махсус математика курси ташкил этилди. Унда воҳамизнинг турли бурчакларидан йиғилган муаллимларга 134 соатлик семинар машғулотларини ўтказдим. Миннатдорчилик билдиришди. Март ойида халқ таълими вазирлиги томонидан уюштирилган математика ўқитувчилари республика тест синовида муваффақиятли иштирок этиб, 64 имкониятдан 56 балл тўплаган ҳолда энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришганимда ҳам бўлим мутасаддилари самимий табриклашганди. Шундай экан, қай маънода бўлмасин бизнинг низодорлигимиз ҳақидаги масала ўз-ўзидан тушиб қолади. Бизнинг иш йўсинимиз, услубимизни Кўкдала халқ таълими бўлимидагилар, хусусан Баҳриддин ака Аҳмедовнинг кўпда қабул қила олмасликларини, изланишларимиз самара беришига ишонмасликларини табиий ҳол деб ўйлайман. У киши ҳар доим ўқувчиларнинг мактаб асосий биносидан четда, яна одатдагидан кўра узоқроқ муддатларда машғулот ўтишига қарши эдилар.

У кишининг ишончсизлик билдиришлари бизга жуда қимматга тушди. Таъна-дашномларни атрофдагилардан ҳам эшита бошладик. Энг ёмони, болаларнинг машғулотлардан совий бошлагани эди. Муаллим учун бундан ортиқ кўргулик йўқ. Мен ўз синфларимни, энг муҳими ўқувчиларимнинг ўзига, келажакка бўлган ишончини сақлаб қолишим керак эди. Экстерн тартибида энг лаёқатли ўқувчиларимни муддатидан бир йил олдин мактабни тугаллатиб, олий ўқув юрти остонасига бошлашга қарор қилдим. Бу борада халқ таълими бўлимига қилган мурожаатларим изсиз кетаверди...

Болаларга келсак, улар етуклик шаҳодатномаси олиш учун ҳар жиҳатдан тайёр эдилар. Барча муаллимлар биргалашиб дам олиш кунисиз болаларга машғулот ўтдик. Ва мен охирги чорани қўлладим. Халқ таълими бўлимидан 5 дона етуклик шаҳодатномаси олиб, ўқувчиларимга ёзиб бердим. Ўқувчиларимдан уч нафари адолатли тест синовидан муваффақиятли ўтиб, дорилфунун физика-математика факультетининг талабаси бўлишди. Ҳа, мен қоидага хилоф иш тутдим. Лекин бу билан уч жонли ва ёрқин мисол тимсолида қолган 53 нафар ўқувчим қалбидаги ишончсизлик уруғини ситиб чиқардим.

Эрта қувонган эканмиз шекилли, кўп ўтмай болалардан шаҳодатнома учун, ўқишга киритиш учун менинг қанча пул олганлигимни сўроқлаб қолишди. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсиз. Менга пул керак бўлса, қаерда ва қандай ишлашни билардим. Рўзғорда фақат хотиним билан иккимиз бўлсак... Фарзандимиз бўлмаса... менга савобдан ортиқ нима керак?

Исмоил Юсупов — Кўкдала халқ таълими бўлими назоратчиси:

— Бахтиёрга шаҳодатномаларни мен берганман. Лекин ўша пайтда мавжуд қоидага ёки Қонунга хилоф иш тутаяпман деб ўйлаганим йўқ. Чунки беш ўқувчини экстерн тартибида битирувга тайёрлашаётганидан, бу борада бўлимимизга мурожаат қилишганидан хабарим бор эди. Ҳужжатларни тайёрлашни бир оз кечиктиришибди, деб ўйладим. Лекин битирувчилар олий ўқув юртлари қабул комиссияларига ҳужжат топшириб улгуришлари керак эди.

Ойхол Абдуллаева — нафақахўр:

— Саккиз боланинг онасиман. Раҳима — олтинчи фарзандим. Болам бошида отаси бўлмаса ҳам ўқишга кирди, кира олди. Энди докумутинг нотўғри, мактабингга яна бир йил ўқиб кел, деб ўқишдан чиқариб юборишмайдими ишқилиб?..

Марям Пирмаматова — уй бекаси, Қаҳрамон она:

—...Ҳай, энди сизам сўрайсизми? Раъно еттинчи болам. Мен-ку қўл қўй деса, бир чизиқ чизиб бераман. Саводим йўқ. Отаси аълочи бўлган. Шунга тортганми, бу қирилгурни «аълочи» деб у мактабдан бу мактабга ўтказишди. Яна «аълочи» деб у ёққа тортишди... Ўзи қиз болага ким қўювди ўқишни... Нессалари тайёрийди... Жойига тушса тиниб-тинчиб кетайди... У куни қидириб пахтага, ёнига бордим. Домуллаларидан бир кунга жавоб сўрасам, йўқ дейишди. Тўрт кишининг пахтасини тераяптийкан... Ҳай, дедим, нима бўлсаям меҳнати куймасин энди...

МУАЛЛИФ МУНОСАБАТИ. Қанийди, бизнинг фарзандларимиз орасида ҳам 13-14 ёшида дорилфунунлар талабаси бўлиб, йигирма ёшида илмий иш ёқлайдиганлар сони кўпроқ бўлса

Албатта, ҳаётда ҳеч қачон эскилик янгиликка ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермайди. Ва янгилик тақозо қиладиган жўшқин, ҳаракатчан муҳит ҳар кимга ҳам маъқул келавермайди. Бундай кезлар сиртдан сокин кўринган эскилик бир лаҳза бўлса ҳам яшаб қолмоқ учун шунақанги бидъат тўфонларини кўтарадики, бу тўфондан шикаст кўрадиган янгилик куртаклари озмунча эмас. Б. Пирназаровни ўз гирдобига олиб ишдан, ҳаётдан бездираёзган ҳодиса ҳам худди шу тўфон деб ўйлайман. Чунки у ўз ғайратшижоати, беътама фидойилиги билан муаллимликни жон койитмай маош олиш деб билувчи озмунча фикри танбалнинг пайтавасига қурт туширмади, уларни эл-улус таънасига дучор қилмади дейсизми...

Уч ёш талаба. Ўз билими, адолатли синовдан ҳалол, муваффақиятли ўтиши билан муаллимлари юзини эл-юрт олдида нурафшон қилган йигит-қизларни астойдил олқишлар эканман, улар таҳсил олаётган олий ўқув юрти ҳамда исм-шарифларини тўлиқ ёзишдан барибир алланечук ҳадиксирайман. Тағин ким билади дейсиз, бунинг оқибати нималарга олиб келади... Аммо кейинги мақолам қаҳрамонлари улар бўлишини жуда-жуда истардим.

Олим АБДУҲАМИД.

*ТАҲРИРИЯТДАН: Биз бу мақола билан Америка очмоқчи эмасмиз. Дунёга не-не даҳоларни берган бу кўҳна тупроғимиздан ҳали оламни ҳайратларга буркагувчи кўплаб истеъдодлар етишиб чиқади. Оққан дарё оқмасдан қолмас, деган ҳикматнинг ўзиёқ шундай ишонч ҳуқуқини беради. Газетамизнинг ўтган сонларида Иқтисодиёт қошидаги лицей талабаси, эндигина 12 ёшга қадам қўйган иқтидорли бола Муроджон мирзо, «Информатикадан олимпиада масалалари» деб номланган китоб муаллифи, Калонов номидаги олий техника билим юрти талабаси Шаҳруз Ашировлар ва бошқа иқтидорли ёшлар ҳақида кўп ёзган эдик. Тўғриси, ўшанда уларнинг истеъдодлари юзага чиқиши учун жон куйдираётган устозларига тақсин айтиб, «қанийди, вилоятларимизда ҳам шундай фидойи мураббийлар кўп бўлса», деган бир истак хаёлимиздан кечганди. Бугун жойларда илм-фанимизни юксалтириш йўлида хайрли ишларга қўл ураётган тараққийпарвар муаллимлар бор экан, бундан қувонишимиз керак. Уларни қўллаб-қувватламоқ лозим. Юқоридаги мақолада тилга олинган баъзи бир кескинликлар эса юксак ақл ва тафаккур асосида ўзининг оқилона ечимини топади, деган умиддамиз.*

КЕЛГУСИ СОНДА:

• Ўзимизнинг йигитлар
• Ёлкадаги тегирмон тоши

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
[illegible]
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0059
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

123456